

---

## 9 апрель-Соҳибқирон Амир Темур таваллуд куни

### СОҲИБҚИРОН САРКАРДА

Туман Ахборот кутубхона марказида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 687 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Умумтаълим мактабларидан ташриф буюрган ўқувчилар томонидан Соҳибқирон ҳаёти ва ижодига бағишланган шерлар, сахна кўринишлар намойиш этилди. Уларнинг миллий куй – қўшиқлари ва рақслари тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбирга туман хокими маслаҳатчиси Наргизахон Обидова, туман Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Рўзимухаммад Хошимов, халқ таълими бўлиmidан Юсуфжон Камоловлар ўқувчиларга ва устозларга буюк саркарданинг ибратли йўллари ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Тадбир якунида 13,24, 36- мактабларнинг кутубхоначиларига туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совға топширилди.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-07 16:40:35